

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Гулчехра Гаффарова

Чирчиқ давлат педагогика институти профессор в.б.
gafforovagulchehra3@gmail.com

Мастура Юлдашева

Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Ушбу мақолада мафкуравий иммунитет тушунчасининг моҳияти ҳамда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мафкура, иммунитет, мафкуравий иммунитет, ёшлар, маънавият, таълим, оила, қадрият, миллий қадрият.

FACTORS OF FORMATION OF IDEOLOGICAL IMMUNITY IN YOUTH

ABSTRACT

Today we live in a very intense and complex time that is changing rapidly, radically different from the times that humanity has ever experienced. This article describes the essence of the concept of ideological immunity and the factors of formation of ideological immunity in young people.

Keywords: ideology, immunity, ideological immunity, youth, spirituality, education, family, value, national value.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизда миллий-маънавий тикланиш, ёшларимиз онги ҳамда дунёқарашини миллий қадриятлар асосида бойитиб бориш, миллий маънавиятимизни турли таҳдидлардан асраш, ёшларни дунёқарашини кенг, креатив фикрлайдиган, ташаббускор, ҳалол ва жонкуяр ҳамда муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қиладиган қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёшларнинг пухта билим олиши, касб-

хунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2019 йил 27 декабрда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашувда янги институт - «Ватан ифтихорлари» институтини ташкил этиш ҳамда 2019 йил 19 март куни Президентнинг 5 та муҳим ташаббуснинг қабул қилиниши.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, миллий маънавиятга таҳдидлар, глобаллашувнинг миллий маънавиятга таъсири, миллатлараро муносабатлар ва уларнинг ривожланиш жараёнлари, миллий-маънавий мерос тикланишини мустаҳкамлаш, миллий маънавиятга таҳдидлар ва уларни бартараф этиш омиллари, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, А.Жалалов, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирги маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаҳҳарова, Г.Туленова, С.Рахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган [3].

Республикамиздаёшларнинг интеллектуал маданиятини ривожлантириш, ёшларни турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун ташкилиш-ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, “Ёшлар - келажагимиз” жамғармаси, “Ёшлар клуби”, “Ёш тадбиркорлар”, “Темурбеклар мактаби”, “Президент мактаблари”, “Ижод мактаблари”, “Ёшлар кутубхонаси” кабиларнинг ташкил этилиши ҳам ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш орқали уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилмоқда.

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамовалар томонидан “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш” монографиясида ёшларни тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби масалалар таҳлил этилган [5].

МУҲОКАМА

Маълумки, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жинойтчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг бугунги сиёсатида ёш авлодни ахлоқий ва маънавий тарбиялаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади, чунки янги

дунёқарашга эга бўлган маънавий етук ёшлар жамият ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусда илгари сурилган “улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш” [1] ҳамда “ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш” [2] орқали ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ошириш, уларнинг фаоллиги, маънавияти ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган ахлоқий фазилатлар улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда интеграл омил бўлиб хизмат қилади, келажакка бўлган ишончларини мустаҳкамлайди ҳамда уларни тараққиётга йўналтиради. Бу эса ҳар томонлама билимдон, маънавий жиҳатдан бой, баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хўш мафкуравий иммунитет нима? Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари нимадан иборат?

Дастлаб, мафкуравий иммунитетни моҳиятини ёритишдан олдин иммунитет тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Умуман иммунитет нима?

Иммунитет (лот. *immunita* - озод бўлиш, қутилиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет - киши организмнинг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Яъни, иммунитет инсон вужудининг турли инфекцион касалликларга бўш келмаслик ҳолатини ифодалайди.

Дарҳақиқат, биз иммунитет деганда ҳар қандай ташқи огоҳлантиришларга қарши туриш сифатида тушунишга одатланганмиз. Ушбу тушунчани фалсафий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, иммунитет деганда ташқаридан бошқариладиган ғояга ёки айтиладиган воқеа-ҳодисага қарши ҳимоя, ниманидир олдини олиш, унга қарши курашиш кўникмасининг ҳосил бўлишини тушуниш мумкин.

Мафкуравий иммунитет инсоннинг диний қарамликда миллий мустақиллик устунлик қилади деган ишончига асосланади. Ташқи стимул хусусиятини берувчи омилларни (ёки ҳатто касалликларни) маълум даражада диний экстремизм каби бузғунчи ғоялар деб аташ мумкин. Улар заифлашган одамларнинг онгига кириб боради, уларнинг иммунитетни келадиган

"инфекция" билан курашишга қодир эмас. Шу сабабли турли бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ёшларни тўғри тарбиялаш, ижодий ғояларни, ватанпарварлик ва келажакка бўлган ишончни уларнинг нозик ва ташқи таъсирида бўлган онгига сингдириш орқали шаклланади. Ушбу жараёнда таълим жуда муҳим рол ўйнайди, чунки жоҳиллик бузғунчи ғояларнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, иммунитет туғма бўлади, мафкуравий иммунитет эса – шаклланади.

"Мафкуравий иммунитет" тушунчасини биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ишлатган ва унинг мазмуни қуйидагича изоҳланган: "маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, инсон танасида ушбу касалликка қарши иммунитетни яратиш зарур. Шунингдек, фарзандларимиз қалбида уларнинг ғоявий иммунитетини мустаҳкамлаш учун Ватанга, бой тарихимизга, аждодларимизнинг муқаддас динига бўлган соғлом муносабатни сингдиришимиз керак» [4, 481]. Демак, мафкуравий иммунитет - шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизимидир.

Дарҳақиқат, мафкуравий иммунитет - бу шахсни, ижтимоий гуруҳни, миллатни, жамиятни турли ёт ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган мураккаб тизим дейиш мумкин. Шу сабабли, мафкуравий иммунитет тизими «билим, қадриятлар тизими ва ижтимоий–иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ».

М.Қуронов фикрича, мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак, яъни «ўсмирнинг физиологик ёш хусусиятларига; ўсмирнинг ақлий имконияти, ҳис-туйғуларининг ривожланганлигига; эгаллаган билим ва малакаси даражасига; ғоявий шаклланиши учун мавжуд шарт-шароит, унинг турмуш тарзига» [5, 31].

Ш.Шакиров мақоласида ҳарбий хизматчиларнинг мафкуравий иммунитетининг назарий жиҳатлари, унинг ҳарбий хизматчиларнинг касбий фазилатларини шаклланишига таъсири, ҳарбий хизматчиларга хос бўлган мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмлари ва устувор йўналишлари ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларида, юклатилган вазифаларни самарали бажаришда намоён бўлиши таҳлил қилади [6]. Шунингдек, ҳарбий хизматчининг ғоявий иммунитетининг мазмуни ва тузилиши қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: когнитив, ҳиссий, интеллектуал-иродали ва конатив. Ушбу тузилишга

асосланиб, ҳарбий хизматчининг ғоявий иммунитетининг ҳар бир номланган таркибий қисмининг мазмунини аниқлаш мумкин [6].

Хўш, мафкуравий иммунитетнинг моҳияти нимада?

Мафкуравий иммунитетнинг асосий ва биринчи элементи бу билимдир. «Билим - объектив реалликнинг субъект онгида тизимли акс этишидир. Эпистемологик нуқтаи назардан эса, билим – объектив маънога эга бўлган ва ҳақиқатнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам берадиган ҳодиса. Бунда билим тўғри танланса, эзгу мақсад ва фаолиятга йўналтирилсагина объектив маъно-мазмун касб этади» [9, 15]. Дарҳақиқат, инсоннинг ижтимоий турмуш тараққиёти асосида билим ётади, яъни билим ижтимоий тажрибани ҳаракатлантиради. Шу сабабли жамиятда тўпланган илмий билимлар ўз далиллари билан биргаликда одамларнинг хилма-хил амалий ҳаракатларига асос бўлган умумий бойликни ташкил этади. Бунда биринчидан, мафкуравий иммунитет тизимини билиш объектив бўлиши, ҳақиқатни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиши ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши керак.

Иккинчидан, бу билимлар моҳиятан Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги билан боғлиқ бўлиши керак. Дарҳақиқат, ёшлар дунёқарашининг умумий тизимида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятлар тизимининг устуворлиги ёт мафкураларга қарши иммунитетни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми билимлар асосида шаклланган қадриятлар тизимидир. Дарҳақиқат, билим қанчалик объектив ва чуқурроқ бўлса, уларнинг асосида шаклланган қадриятлар шунчалик ишончли бўлади. Хулоса қилиб айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитет имкониятларини белгилайди ва мафкуравий таҳдидларга қарши ишончли қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо билим ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ акс эттира олмайди. Зеро, мафкуравий иммунитетнинг ушбу икки элементи унинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мақсадлар тизими билан боғлиқдир. Ушбу мақсад онгли бўлиши керак ва унга эришиш учун қатъийлик талаб этилади. Бундай аниқ тизимсиз на шахс, на миллат ёки жамият очиқ ёки яширин табиатнинг мафкуравий таҳдидларига дош беролмайди.

Хўш, мафкуравий иммунитет қандай шаклланади? Бу жуда узоқ ва мураккаб жараёндир. Унда ёшларнинг тўғри тарбияси муҳим рол ўйнайди, чунки мамлакат ва айниқса, жамиятнинг келажаги ёш авлодга боғлиқ. Шу сабабли таълим соҳасига эътибор бериш жуда муҳимдир, чунки бузғунчи ғоялар ўқимаган одамни осонгина қулга айлантиради.

Юқоридагилардан шуни таъкидлаш керакки, мафкуравий иммунитет - бу маънавий, маърифий, иқтисодий билимларни онгли равишда идрок этиш ва шу асосда замонавий ижтимоий воқеаларга ўз муносабатини билдириш кўникмаларини шакллантиришдир. Шу билан бирга мафкуравий иммунитет ташқи ёки ички мафкуравий таъсир мавжудлигида намоён бўлади. Бунда янги, нотаниш ғояни танлаш учун одам уни ўз манфаатларини "кўриш" орқали ўтказди. Агар ғоя маълум бир даврда инсон манфаатларига мос келадиган бўлса, у ҳолда бошқа ғояларнинг таклифларини мағлубиятга учратиб, унинг ҳаракатларига раҳбарлик қилади. Демак, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омилларига қўйидагиларни киритиш мумкин: билим, кадриятлар, ижтимоий–иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ қарашлар.

Таъкидлаш керакки, шахс сифатида иқтисодий, шахслараро, оилавий ва шу каби муаммоларни мустақил тарзда ҳал эта олиш, ўз-ўзини англаш ва назорат этишнинг ривожланганлиги, зўриқишларга чидамлик, ўзгарувчан шароитга тез мослаша олиш ва муаммоли вазиятларда тез ечим топа олиш қобилияти, ички низо ва зиддиятларга мойилликнинг сустлиги, мотивация ва эҳтиёжлар тизимининг шаклланганлиги каби кўрсаткичлар инсон маънавий етуклиги шаклланишини таъминловчи психологик омиллардир.

Мафкуравий иммунитет инсоннинг диний қарамликда миллий мустақиллик устунлик қилади деган ишончига асосланади. Бунда ёт ғояларга қарши туриш, авваламбор, инсоннинг ишонч-эътиқоди билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ўз ғоясига ишонч туйғусини шакллантиришда ёшларнинг ҳаётга бўлган қарашлари ва эътиқодини мустаҳкамлаш етакчи ўринга чиқади. Инсоният айни миллий ҳудуд доирасида ўз анъана ва ҳулқ меъёрларини сақлайди, уларни ривожлантиради ва кейинги авлодга ўргатади. Ҳулқнинг меъёрий жиҳатлари, анъана ва одатлар муайян ғоя асосида бирлашади ва турли кадриятларда ўз аксини топади.

Айтиш керакки, Шарқда тарбия жараёнида инсоннинг гуруҳга, жамоага йўналганлиги етакчи ўрин тутса, ғарб жамиятида шахс индивидуаллиги устувордир. Ер қуррасининг ҳар қайси нуктасидаги жамият вакиллари

умуминсоний қадриятларни эъозлайди ва расмий мафкура орқали уларни ёқлаб чиқади. Лекин бу қадриятларни шакллантириш борасидаги таълим ва тарбия услублари ўзаро фарқланади. Хусусан, Шарқ ва Ғарбга хос тарбия услубларидаги турли-туманлик нафақат тарбия жараёнини амалга оширишда, балки унинг натижаларида ҳам ўз аксини топади. Шахснинг шаклланиш муҳити ва шароити шу ҳудудга хос тарбия услубини ёқлайди ва ҳатто маълум бир қадриятни бошқаларига нисбатан устувор қилиб қўяди.

Республикамиз мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, миллатимизга хос кўпгина қадриятлар узоқ йиллик таъқибларга қарамай, сақланиб келинган. Ўзбек миллатига хос анъанавий тарбия услублари, авваламбор, оилада, жамоада ўрнатилган ўзаро муносабатларда ўз аксини топади. Бола ҳулқидаги турли кўникма ва хусусиятлар айнан оилавий муносабатлар доирасида шаклланади ҳамда бу жараён давомида маълум ахлоқий мезонлар ўзлаштирилади. Айнан тарбия жараёнида нафақат қадриятларни шакллантириш, балки уларга асос бўлувчи маълум ғоявий жиҳатларга урғу бериш ҳам зарур ҳисобланади. Шунинг учун, ёшлиқдан тўғри ўзлаштирилган мақбул қадриятлар тизими шахснинг бутун умр давомида мақсадга мувофиқ ва равон ҳаракатини таъминловчи омилдир. Ушбу мақсадда мавжуд қадриятларнинг ўзаро мувофиқлиги таъминланиши, уларнинг маълум поғонавий тизимга эга бўлиши ва шахс томонидан изчил англаниши жуда муҳимдир. Бола ўзлаштираётган қадриятлар қанчалик аниқ ва равон бўлса, қайси бири аҳамиятли-ю, қайсиниси иккинчи даражали эканлигини англаш осон бўлса, бу жараён шунчалик самарали кечади.

Бола қанчалик мустаҳкам қадриятлар тизимига эга бўлмасин ва нима яхши-ю, нима ёмонлиги ҳақидаги тасаввурлари шакланмасин, у ушбу билимлар даражасида қолиб кетиши мумкин. Айрим муаммоли вазиятларда бола қандай йўл тутишни билса ҳам, лекин бунга оид ҳаракатларни амалга ошириш кўникмасига эга бўлмаслиги табиий. Шунинг учун оила ва тарбия муассасаларида болада мақбул ҳаракат услубларини шакллантиришга катта эътибор берилиши керак. Айниқса, муаммоли вазиятлар моделларини ўрганиш бўйича машғулотлар ташкил этиш болада чуқур ҳиссий кўникмани шакллантириш ва бирон тўғри ҳаракатни амалда қўллаш имконини беради. Агар бола оилада тўғри мақсадли қадриятларни ўзлаштирган бўлса-да, муаммоли вазият билан тўқнаш келганда қандай усулга мурожаат этишни билмаслиги, яъни услубий қадриятлар танловини амалга оширолмаслиги

мумкин. Бундай ҳолда аввал қандай ҳаракат қилиш мақбул эканлигини болага ўргатиш лозим.

Ҳар қандай ғоявий иммунитетнинг кучи унинг анланганлигидадир. Агар инсон ўз ғоясининг асл моҳиятини тушуниб етса, уни мантиқан исботлай олса ва ҳар қандай қарши саволга асосли жавоб топа билса, бундай шахс ўз эътиқодини ҳимоя қила олади ва ёт ғоялар таъсирига берилмайди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бугунги куннинг асосий вазифаси халқимизнинг маънавий дунёсини ҳимоя қилиш, халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг асл моҳиятини англаш, замонамизнинг долзарб масалалари бўйича холис ва мустақил фикрни шакллантиришдир. Мафкуравий иммунитетнинг ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ ҳолда, шахс сифатида қабул қилинадиган шахсий, индивидуал эҳтиёжлар қадриятларга айланади ва инсон хатти-ҳаракатларини тартибга солади. Ёшларнинг ахлоқий мотивлари ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ: бурч, масъулият, фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини англаш, муайян позицияни эгаллаш истаги. Шу билан бирга тор доирадаги мотивлар: моддий фаровонлик даражасининг ошиши, маданий даражанинг ошиши, бошқа одам билан ўзаро муносабатларнинг турли усулларига йўналиш ва бошқалар.

Дарҳақиқат, ёт ғояларга қарши кураш жараёни, авваламбор, ўз имконият ва қобилиятларини тўғри баҳолаш, таҳдидга қарши тура олиш иммунитетни ҳақида тўғри маълумотга эга бўлишни тақозо этади. Шу сабабли республикада маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш, оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш зарур.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз

- тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
<http://www.lex.uz/docs/4320713>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/4320700>
 3. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. –Б.10.
 4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
 5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз / И.А.Каримов. Ж.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
 6. Қурононов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: «Маънавият», 2018. -112 б.
 7. Шакиров Ш. Мафкуравий имунитет ҳарбий хизматчиларнинг касбий фазилати сифатида Жамият ва инновациялар–Общество и инновации–Society and innovations Special issue -1, No01 (2020).
 8. Г.Гаффарова, А.Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
 9. Gaffarova, G. (2019). Murakkab tizimlarda ahborot generacijasining falsafij-metodologik asoslari. Avtoreferat diss. dokt.filos.nauk. – 65 b.
 10. Гаффарова, Гулчехра Гуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопозис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
 11. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilitation. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
 12. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafaprizmasida> (дата обращения: 15.01.2021).
 13. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis //Scientific Bulletin of Namangan State University. -Т.1. -№5, - С.185-190.
 14. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
 15. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 38-42.15.